## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ <u>DSC. 06.01.2018 TAR.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ</u> ТАРИХ ИНСТИТУТИ

## РАДЖАПОВ ЭРКИН ГАНИЕВИЧ

ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ХАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИ (1917-1924 йй.)

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) Contents of abstracts of the doctor of philosophy (PhD) dissertation			
			<b>Раджапов Эркин Ганиевич</b> Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати (1917-1924 йй.)
<b>Раджапов Эркин Ганиевич</b> Политика советской власти по подготовке военных кадров в Туркестанском регионе (1917-1924 гг.)			
Radjapov Erkin Ganiyevich Policy of Soviet government at the training of military cadres in the Turkestan region (1917-1924)			
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works			

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ <u>DSC. 06.01.2018 TAR.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ</u> ТАРИХ ИНСТИТУТИ

## РАДЖАПОВ ЭРКИН ГАНИЕВИЧ

## ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ХАРБИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИЁСАТИ (1917-1924 йй.)

07.00.01 - Ўзбекистон тарихи

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

# Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.1.PhD/Tar29 раҳам билан руйҳатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсахифасида (www.uzhistory.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:	<b>Хасанов Бахтиёр Вахобович</b> тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ражабов Қахрамон Кенжаевич тарих фанлари доктори, профессор,
	Расулов Абдулла Нуритдинович тарих фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Узбекистон миллий университети
хузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктор даражаларини берувчи DSc.06.01.2018 Таг.56.01 р куни соат даги мажлисида б (Манзил: 100060, Тошкент шахри, Шахриса мажлислар зали). Тел.: (+99871) 233-54-70; факс: Тарих институти)	рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил "" булиб утади. бз тор кучаси 5-уй, Тарих институти. 2-қават, (+99871) 233-39-91; www.uzhistory.uz: УзР ФА си Фанлар академияси Асосий кутубхонасида атга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Диссертация автореферати 2019 йил "" (2019 йил "" кундаги ра	

А.С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М. Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А. Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тарихидан маълумки, ҳар қандай давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ҳамда мудофаа салоҳиятини ривожлантиришда ҳарбий кадрларга таянган. Шу сабабли бугунги кунда ҳам барча мамлакатлар ўз геосиёсий манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсатига алоҳида эътибор бермоқда.

Жаҳоннинг қатор илмий тадқиқот муассасаларида ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати тарихи буйича қуйидаги йуналишларда тадқиқотлар олиб борилмокда: Урта Осиёда совет тартиботига қарши бошланган қуролли қаршилик ҳаракати ва унинг қизил қушин қисмлари томонидан бартараф этилишини тадқиқ этиш, ҳарбий кадрларнинг қатағон этилишини очиб бериш, Иккинчи жаҳон уруши ва унда СССР таркибига кирувчи миллий республикаларнинг иштирокини курсатиб бериш. Тадқиқотларда қулга киритилган натижалар ҳарбий кадрлар тайёрлаш юзасидан янги замонавий илмий хулоса ва амалий тавсиялар учун замин яратади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг совет даври тарихига ҳаққоний баҳо бериш учун кенг имконият яратилди. Совет ҳокимияти йилларида содир бўлган тарихий жараёнларга ўз даврида баҳо берилганда мафкуравий ёндашув устунлиги кузатилади. Туркистонда миллий кушинни ташкил этиш сабаб ва оқибатлари, минтақа ҳалқларининг азалий орзуси сифатида ташкил топган Туркистон Мухторияти миллий кушини, уни замонавий армия даражасига кутариш йулидаги саъй-ҳаракатлар, миллий ҳарбий кадрлар тайёрловчи таълим масканларининг ташкил қилиниши тарихи, маҳаллий миллат вакилларининг ҳарбий ишга сафарбар этилиши сабаблари, бу жараёндаги муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 25 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейи фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида"ги 54-сонли карори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Ҳаракатлар стратегияси туррисидаги" Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий, маданий савияси ва билимларини мунтазам ошириб бориш тизимини такомиллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида" 812-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2018 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси туррисида"ги Қонунида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот илмий-амалий жиҳатдан хизмат қилади.

**Тадкикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши- нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг І. "Демократик ва хукукий жамиятни

маънавий-маърифий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш" устувор йўналишига мувофик бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавзуга доир чоп этилган адабиётлар, олиб борилган тадқиқотлар ва нашр этилган илмий мақолаларни даврий нуқтаи назардан қуйидаги 2 даврга ажратиш мумкин:

- 1. Совет даври нашрлари.
- 2. Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар.

Биринчи гурухни совет даврида чоп этилган мақолалар, адабиётлар, тарихий китоблар, рисолалар ва тадқиқотлар ташкил этади. Н. Тўракулов, Т. Рискулов, Е. Козловский, М. Захаров, М. Римшан, А. Валидов, К. Василевский, П. Алексеенков, Б. Чепрунов, С.П. Тимошков, А.К. Афанасьев, В. Сапегина, Х.Ш. Иноятов, К.И. Малишев, Ш.А. Шамагдиев, Ю.Н. Алескеров, И.А. Зевелев, С.М. Кляцкин, М.А. Рафиков, Р.К. Акчурин, А.И. Портон, П.М. Сепкин, Р.Я. Раджапова, А. Агапов, К. Амонжолов, В.Д. Куракин, В.Д. Рассказов, К.Ш. Зайнуллин, О. Худойбердиевларнинг асарлари Туркистонда совет хокимиятининг харбий сиёсатини ўрганишдаги дастлабки тадкикотлар хисобланади<sup>1</sup>.

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Туракулов Н. Кокандская автономия // Три года советской власти. Сборник статей. – Ташкент: 1920. – С.59-60; Туракулов Н. Кокандская автономия (социально-политическая сущность, общественные группировки и течения, вызвавшие события) // Красная летопись Туркестана. - Ташкент: 1923. №1-2. - С.83-84; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Ч.1. 1917-1918. Узбекское государственное издательство. 1925; Козловский Е. За Красный Туркестан. – Ташкент: 1926; Захаров М. Национальное строительство в Красной армии. – Москва: – Ленинград: Издание военной типографии управления делами НКВМ и РВС СССР, 1927; Рымшан М. Национальное формирования в буржуазных государствах и в СССР. – Москва: – Ленинград: Госиздат, 1928; Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. – Ташкент: Политуправление Средней Азии, 1928; Валидов А. Кизил аскар ва босмачилик. - Самарканд-Тошкент: Узнашр, 1928; Василевский К. Национальное строительство Красной армии // Революция и национальности. 1931. №2-3; Козловский Е.А. Ўрта Осиёда Қизил аскар. -Тошкент: Ўзнашр, 1931; Алексеенков П. Кокандская автономия. – Ташкент: Узгиз, 1931; Шу муаллиф. Қўқон автономияси. - Тошкент: Ўзнашр, 1931; Чепрунов Б. Национальные части Красной гвардии и Красной Армии в Средней Азии. – Ташкент: Госиздат, 1933; Тимошков С.П. Борьба с английской интервенцией в Туркестане. – Москва: Воениздат, 1941; Афанасьев А.К. Зарождения национальных частей Красной Армии в Туркестане и их роль в разгроме белогвардейцев, интервентов и басмачества (1918-1920 гг.). Дисс. на соиск. учен. степен. канд. ист. наук. - Ташкент: 1953; Сапегина В. Борьба за создание советского государственного аппарата в Туркестане (февраль 1917 – апрель 1918 гг). – Ташкент: Издательство Академии наук. 1956. – 162 стр; Иноятов Х.Ш. Октябрская революция в Узбекистане. - Москва: Госполиздат. 1958; Малышев К.И. Борьба за советы в Киргизии и Туркестане. – Фрунзе: Киргизиздат, 1958; Алескеров Ю.Н. Интервенция и гражданская война в Средней Азии. -Ташкент, Госиздат, 1959; Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Ташкент: АН РУз ССР, 1961; Зевелев И.А. За Советский Туркестан. - Ташкент: Госиздат, 1963; Кляцкин С.М. Строительство Вооруженных Сил Советского государства (опыт организации постоянной регулярной армии и милиционного строительства в 1917-1920 гг.). Автореф. дисс. на. соиск. учен. степ док. ист. наук. - Москва, 1964; Рафиков М.А. Из истории организации партийно-политической работы в частях Красной Армии в Туркестане в годы иностранной военной интервенции и гражданской войны 1918-1920. Дисс. канд. ист. наук. - Самарканд, 1966; Акчурин Р.К. Всеобуч в Туркестане (1918-1923 гг.) Дисс. канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1966; Портон А.И. Коммунисты в борьбе за создание и укрепление вооруженных сил Советского Туркестана конец 1917-1919 гг. Автореф. дисс. на. соиск. учен. степ кан. ист. наук. – Ташкент, 1966; Сепкин П.М. Военно-организаторская деятельност Коммунистической партии Туркестана (1918-1920 гг). Автореф, дисс. на. соиск, учен, степ кан. ист. наук. - Ташкент, 1967; Раджапова Р.Я. Создание и работа политорганов в войсках Туркестанской республики и Туркфронта (1918-1920 гг.). Автореф. дисс. на. соиск. учен. степ канд. ист. наук. – Ташкент, 1967; Агапов А. Военная печать Туркестана в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Дисс. на. соиск. учен. степ канд. ист. наук. - Ташкент, 1967; Амонжолов К. Национальные формирования Красной Армии в Средней Азии и Казахстане (1918-1920 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1973; Куракин В.Д., Рассказов В.Д., Зайнуллин К.Ш. Краснознаменный Туркестанский. – Москва: Воениздат, 1976. – 438 стр; Худойбердиев О. Боевая дружба, рожденная октябрем. – Москва: Наука, 1984.

Ушбу тадқиқотларнинг даврий чегараси 1917-1924 йилларни, яъни Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш сиёсати ўтказилгунгача бўлган даврни қамрайди ва уларнинг аксарияти ҳукмрон мафкура асосида ёзилган.

Иккинчи гуруҳни мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётлар ва қилинган илмий тадқиқотлар ташкил этади. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи турли давр ва босқичларда ўрганилган бўлса², Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ҳамда ҳарбий соҳадаги сиёсати мустақиллик йилларида кам сонли тарихчилар томонидан муаммонинг айрим жиҳатларигина тадқиқ қилинди.

Бу борадаги тадқиқотлар тарихчи олимлар Р. Абдуллаев, С. Аъзамхўжаев, Қ. Ражабов, Д. Зиёева, Б. Хасанов, С. Шодмонова, С. Мадьярова ҳамда Ф. Бобоевлар томонидан амалга оширилди<sup>3</sup>. Тадқиқотларда муаллифлар совет ҳокимиятининг қуролли кучларини ташкил этиш тактикаси, маҳаллий миллат вакилларининг қизил қўшин сафларига жалб этиш юзасидан амалга

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Турсунов Б.Я. Қуқон хонлигида ҳарбий иш ва қушин ҳолати (XIX асрнинг 70-йилларигача). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. — Тошкент, 2006; Шукуриллаев Ю.А. Бухоро амирлигида ҳарбий кушин ва ҳолат (1756-1920 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. — Тошкент, 2006; Замонов А.Т. Бухоро хонлигининг қушин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви (XVI аср). Тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун дисс. — Тошкент, 2018; Шу муаллиф. Бухоро хонлигининг қушин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви. — Тошкент: Вауоz, 2018; Ҳасанов Ф. Турон ҳалқлари ҳарбий санъати. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018.

Абдуллаев Р.М. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Дисс. на. соиск.учен.степ.докт.ист.наук. – Ташкент, 1998; Шу муаллиф. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос // Ўзбекистон тарихи, 2002 йил, №1, - С. 38; Шу муаллиф. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. - Ташкент: Наврўз, 2014; Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.) Автореф. док. ист. наук. – Ташкент, 1996; Шу муаллиф. Туркистон Мухторияти: миллий-демократик давлатчилик курилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000; Ражабов К.К. Фарғона водийсида истиклолчилик харакати: мохияти ва асосий ривожланиш боскичлари (1918-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш үчүн дисс. – Тошкент, 1995; Шу муаллиф. Мустакил Туркистон учун мужодалалар (1917-1935 йиллар) // Жамият ва бошкарув. 1998. 4-сон. – Б. 46-49, 5-сон, – Б.58-64; Шу муаллиф. Дашнакцутюн // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002. – Б. 494-496; Шу муаллиф. Крестьянлар армияси // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 89-90; Шу муаллиф. Миркомил Миршаропов // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2003. – Б. 11; Шу муаллиф. Туркистон фронти // Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. – Б. 546; Шу муаллиф. Туркистон минтакасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918 – 1924 йиллар). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун дисс. - Тошкент, 2005; Зияева Д.Х. Туркистонда миллий озодлик харакати XX аср тарихшунослигида (1916 йил кўзғолони ва 1918-1924 йил истиклолчилик харакатини ўрганиш муаммолари). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун дисс. - Тошкент, 1999; Шу муаллиф. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; Шу муаллиф. XIX аср охири – XX аср бошларида Урта Осиёда харбий ишлар тарихидан // Ўзбекистон тарихи. 2002 йил, 4-сон; Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917-начала 50-х годов. Диссертация доктора исторических наук. - Ташкент, 2000; Шу муаллиф. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы 1917 – 50-х годов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан. 2000; Шадманова С.Б. Немис ва турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917-1924 йилларда совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2002; Шу муаллиф. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамлакачилигига қарши кураш масалалари (1917-1924 йиллар). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008; Мадьярова С.Н. Туркистон Мухторияти тарихшунослиги (1917 – 2008 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. - Тошкент, 2010; Шу муаллиф. Туркистон Мухторияти тарихшунослиги (1917 – 2008 йй.). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс автореф. – Тошкент, 2010; Шу муаллиф. Туркистон Мухторияти миллий армияси масаласини ўрганилишига доир // Ўзбекистон тарихи, 2006 йил, 1-сон; Бобоев Ф.С Ўзбекистон ССРда совет тузумига қарши қуролли харакат (1925–1935 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. - Тошкент, 2018; Шу муаллиф. Иброхимбекнинг харбий тактикаси ва стратегияси (биринчи мақола) // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари илмий журнали. 2017. –№ 2.

оширган чора-тадбирлар, Ўрта Осиёда совет хокимиятига қарши бўлиб ўтган қуролли қаршилик ҳаракати тарихи тадқиқ қилинди.

Тарихчи Р. Абдуллаевнинг тадқиқотида<sup>4</sup>, 1917 йилнинг июль-октябрь ойларида Туркистон миллий ва ҳарбий ташкилотлари томонидан ташкил этилган турли съездлар, уларда муҳокама этилган ҳарбий масалаларга оид муҳим қарорлар, бу масалада миллий ҳаракат раҳбарлари ва большевикларнинг муносабати ҳамда улар томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳусусида батафсил тўҳталиб ўтилса, Қ. Ражабовнинг қатор тадқиқотларида<sup>5</sup> қуролли қаршилик ҳаракати ва қизил қўшин ўртасидаги кескин курашлар тариҳи, қўрбошиларнинг ҳарбий ташкилоти ҳамда қўшин бошқаруви, қаршилик ҳаракатини бостириш давомида қизил армиянинг тажовузкор ҳаракатлари, шунингдек, Туркистон АССР, Хоразм ва Буҳоро Республикалари миллий қўшиннинг шакллантирилиши тарихи баён этилган.

А. Расуловнинг монографиясида Туркистоннинг Волгабўйи, Уралолди худудлари билан харбий-сиёсий йўналишдаги муносабатлари, Туркистонга совет хокимиятини химоя килиш ва мустахкамлаш учун юборилган харбий отрядлар фаолияти, Туркистонда шаклланаётган миллий харбий кисмларни тайёрлашда Самара, Қозон губерниялари харбий кадрларининг кўмаги, иштироки масалалари, Туркистонда харбий кадрлар тайёрлаш хамда ўкитишда татар харбий кадрларининг фаолияти кенг ёритилган<sup>6</sup>. Д. Зиёева масъул мухаррирлиги остида муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган монографияда Узбекистонда харбий иш тарихининг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни, миллий харбий кисмларнинг ташкил этилиши каби масалалар, шунингдек, мазкур монографияда Туркистонда 1917-1945 йиллардаги харбий кучлар тарихи махсус тадқиқ этилди. Бундан ташқари бир неча муаллифлар жамоаси томонидан Узбекистонда харбий санъат тарихига бағишланган махсус фотоальбом хам нашр этилди<sup>8</sup>. Фотоальбомда Ўзбекистон худудида харбий санъат тарихининг қадимги даврдан 1917 йилгача бўлган даврни қамраб олган суратлар эълон қилинган.

\_

 $<sup>^4</sup>$  Абдуллаев Р. Туркестан в 1917 году: национальное движение и военный вопрос // Ўзбекистон тарихи, 2002 йил, №1, - С.38.

<sup>&</sup>lt;sup>5</sup> Ражабов Қ.К. Фарғона водийсида истиклолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. — Тошкент, 1995; Шу муаллиф. Fолиб армиянинг қора ишлари // Шарқ юлдузи. 1998 йил 6-сон. — Б.163-180; Шу муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. — Тошкент: Маънавият, 2002; Шу муаллиф. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.). Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. док.ист.наук. — Ташкент, 2005; Шу муаллиф. Қўрбошиларнинг ҳарбий ташкилоти ва кўшин бошқаруви // Мухофаза. 2005. №3. — Б. 16-18; Шу муаллиф. Қўрбошиларнинг ҳарбий ва сиёсий ташкилоти // Мозийдан садо. 2005. №4; Шу муаллиф. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида миллий қўшиннинг аҳволи // Тарих ва тафаккур "Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили"га бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами (Ш китоб). — Бухоро: Бухоро, 2011; Шу муаллиф. 1925-1941 йилларда Ўзбекистонда ҳарбий ишнинг аҳволи. Ўзбекистон ССРда миллий ҳарбий кисмларнинг ташкил топиши // "Тарихий хотира-маънавият асоси" мавзуида республика илмий-назарий анжумани материаллари. Т.V. — Бухоро: Бухоро, 2012; Шу муаллиф. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. —Тошкент: Янги нашр, 2015.

<sup>&</sup>lt;sup>6</sup> Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халклари ўртасидаги муносабатлар (1917-1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2005.

<sup>&</sup>lt;sup>7</sup> Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан. – Тошкент: Шарқ, 2012.

<sup>&</sup>lt;sup>8</sup> Ўзбекистон харбий санъати тарихи (фотоальбом). – Тошкент: Ўзбекистон, 2013.

Сўнгги йилларда совет ҳокимиятининг 1917-1924 йилларда Туркистондаги сиёсати мавзусида кўплаб коллектив монографиялар<sup>9</sup>, турли дарсликлар яратилди. Аммо уларда Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши, унинг мажбурий ағдарилиши, совет тузумига қарши қуролли қаршилик ҳаракати, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва бу даврда амалга оширилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ислоҳотлар ва унинг ижобий ҳамда салбий оқибатлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Совет ҳокимиятининг ҳарбий сиёсати ва ҳизил ҳўшин ташкил этиш тарихи бир неча МДҲ тарихчилари<sup>10</sup> томонидан ҳам тадҳиҳ этилди. Аммо амалга оширилган тадҳиҳотларнинг аксариятида тадҳиҳот объекти сифатида Туркистон минтаҳаси эмас, балки Россиянинг ҳатор уезд ва ҳудудлари олинган. О. Сувениров<sup>11</sup>, Н. Черушев<sup>12</sup>, С. Миноков<sup>13</sup> тадҳиҳотларида совет ҳокимиятининг ҳизил ҳўшин ҳарбий кадрларига нисбатан ҳатағон сиёсати, машҳур ўзбек ҳарбий мутахассисларидан Р. Ёҳубов, Ю. Наримонов, М. Миршароповлар ҳаҳида биографик маълумотлар бериш билан чекланади.

Хорижий муаллифлар<sup>14</sup> томонидан ҳам совет ҳокимиятининг Туркистондаги ҳарбий сиёсати тарихи ўрганилиб, тадқиқотлар фактик материалларга бойлиги, манбаларнинг ишончлилиги билан ажралиб турса-да, аммо уларда совет ҳокимиятининг ҳарбий соҳадаги сиёсати эмас, қуролли қаршилик

-

<sup>&</sup>lt;sup>9</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000; Алимова Д.А. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 й.). – Тошкент: Шарк, 2000; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Тошкент: Шарк, 2001; Ражабов К., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924). Ўкув кўлланма. – Тошкент: Университет, 2002; Ўзбекистон тарихи. Муртазаева Р.Ҳнинг умумий тахрири остида. – Тошкент: Янги аср авлоди маркази, 2003; Rajabov Q., Zamonov A. O'zbekiston tarixi (1917 – 1991-у.). – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.

<sup>&</sup>lt;sup>10</sup> Изонов В.В. Подготовка военных кадров в России (начало XIX в − 1917 г). Автореф дис. докт. ист. наук. − Санкт-Петербург, 1998; Градосельский В.В. Национальные воинские формирования в Красной Армии (1918-1938 гг) // Военно-исторический журнал. 2001. №10. − С.5-6; Фоменцов В.В. Деятельнось органов советской власти по укреплению воинской дисциплины в Красной Армии (1918-1920 гг.). Дисс. на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. − Вольск, 2006; Романова Н.В. Деятельность Реввоенсовета Республики (СССР) по организационному укреплению Красной Армии в 1918-1923 гг. Автореф дис. канд. ист. наук. − Самара, 2007; Дороничев В.А. Формирование института единоначалия в советских вооруженных силах в период военный реформы 1920-х годах. Дисс. на. соиск. учен. степ. канд. ист. наук. − Калининград, 2009; Войтиков С.С. Строительство центрального военного аппарата советской России (1918 г.). Дисс. на. соиск. учен. степ. канд. ист. наук. − Москва, 2011;

<sup>&</sup>lt;sup>11</sup> Сувениров О.Ф. Трагедия РККА 1937-1938. – Москва, Терра. 1998. – 409 стр.; Шу муаллиф. Сопротивление личного состава РККА партийно-государственному руководству истребления военных кадров (1937 – июнь 1941) // Военно-исторический архив. 2008. №4. – С.39-54; Шу муаллиф. 1937. Трагедия Красной Армии. – Москва: Эксмо, 2009.

<sup>&</sup>lt;sup>12</sup> Черушев Н. 1937 год: Элита Красной Армии на Голгофе. – Москва: Вече, 2003; Черушев Н.С., Черушев Ю.Н. Расстрелянная элита РККА. (командармы 1-го и 2-го рангов, комкоры, комдивы и им равные): 1937-1941. Биографический словарь. – Москва: Мегаполис, 2012; Черушев Н.С., Черушев Ю.Н. Расстрелянная элита РККА. 1937-1941: Комбриги им равные. – Москва: Икс-Хистори, 2014.

<sup>&</sup>lt;sup>13</sup> Миноков С. Военная элита 20-30 годов XX века. – Москва: Русское слово, 2006.

<sup>&</sup>lt;sup>14</sup> Hayit Baymirza. Turkistanin gisgaca tarixi. – Berlin. 1944; Hayit Baymirza. Some Problems of Modern Turkistan History. – Düsseldorf. East European Research Institute. 1963; Мухаммад Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожиаси (ўзбек тилида араб имлоси асосида). – Мадинаи Мунаввара: 1399 (милодий 1979); Шахобиддин Яссавий Исмоил Шайх ўғли. Туркистон аччиқ ҳақиқатлари (ўзбек тилида араб имлоси асосида). – Истанбул: 1984; Allworth Edward. Central Asia: 130 years of Russian Dominance, A historical overview. Durham and London: Duke University Press, 1994; Allworth Edward. The Modern Uzbeks. – California: Hoover Institution Press, 1990; Andican Ahat. Cedidizm'den Bağimsizliğa Hariçte. Turkistan Mucadelesi. Birinci Baski. – Istanbul: Emre Yayinlari, 2003; Seymour Becker. Russia's Protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865-1924. – New York: Routledge, 2005; Khalid Adeeb. Making Uzbekistan. New York: Cornell University Press, 2015.

харакати тарихи ва унинг қизил армия томонидан бартараф этилиши жараёни ёритилган.

Туркиялик тадкикотчи Ахад Андижоннинг тадкикотларида 15 Туркистонда совет хокимиятининг ўрнатилиши, совет бошкарувининг дастлабки йилларида ташкил этилиб, кейинчалик зўравонлик йўли билан ағдарилган Туркистон Мухторияти, Алаш Ўрда каби автономиялар фаолияти, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг ташкил этилиши, харбий тузилмалари, миллий қушиннинг ташкил этилишига доир фактик маълумотларга бойлиги, янги манбаларнинг илмий истеъмолга киритилганлиги билан ахамиятлидир.

Турли тарихий шахсларнинг хотиралари хам тадкикотнинг манбавий асоси бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Мустафо Чўкай, Ахмад Закий Валидий Тўғон, Полвонниёз Хожи Юсуповларнинг ўзи тарихий жараёнларнинг бевосита иштирокчилари эканлиги билан алохида илмий қийматга эга.

Биринчи Жахон урушида Россияга асир тушган турк офицери Рожий Чақирўзнинг эсдаликларида<sup>17</sup> асир турк офицер ва аскарларининг Туркистонда харбий мактаблар ташкил этишдаги кўмаги хамда иштироки, Бухоро Халк Совет Республикасида харбий хизматни ўтаган турк офицерлари хакида кимматли маълумотлар берилгани билан эътиборга молик.

Диссертация тадкикотининг диссертация бажарилаётган илмийтадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2016-2018 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-17354 ФА-Ф1-Г037 – "1937-1938 йилларда Ўзбекистондаги "Катта қирғин" (энциклопедия, І қисм)" мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Туркистон минтақасида 1917-1924 йилларда совет хокимиятининг харбий кадрлар тайёрлаш сиёсати ва унинг окибатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистонда совет хокимиятининг ўрнатилиши, унинг харбий сиёсати хамда оқибатларини аниқлаш;

махаллий миллат вакилларининг қизил қушин сафларига сафарбар этилиши сабаблари, бу жараёнда етишиб чиққан миллий харбий кадрлар фаолиятини ўрганиш;

Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари миллий қизил қушини тарихини тадқиқ этиш;

<sup>&</sup>lt;sup>15</sup> Andican Ahat. Cedidizm'den Bağimsizliğa Hariçte. Turkistan Mucadelesi. Birinci Baski. – Istanbul: Emre Yay-

<sup>&</sup>lt;sup>16</sup> Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жаллодлари: (1917 йил хотиралари). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа-бирлашмаси, 1992; Мустафа Чокай-оглы. Туркестан под властью советов к характеристике диктатуры пролетариата). – Алма-Ата: Айкап, 1993; Togan Velidi, Z. Hatiralar. Turkistan ve dicer musulman docu turklerinin milli varlik ve kultur mecadelelari. – Istanbul: 1969; Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллиги учун кураши тарихидан. – Тошкент: Адолат, 1997; Юсупов Полвонниёз Хожи. Ёш хиваликлар тарихи (хотиралар). – Урганч: Хоразм, 1999.

<sup>&</sup>lt;sup>17</sup> Raci Cakiroz. Turkistan'da turk Subaylari 1914-1923 (yazan Timur Kocaoglu). Turk Dunyasi Tarih Dergisi. 1987.

Туркистонда миллий қумондонлар тайёрловчи ҳарбий таълим муассасалари ва курслари фаолиятини тадқиқ этиш;

миллий ҳарбий кадрлар тайёрлашда Туркистон совет командирлик курсининг ўрни ва ролини тарихий жиҳатдан ёритиб бериш;

Туркистонда дастлабки қизил қушин миллий ҳарбий қисмларининг таш-кил этилиши ва шаклланишидаги муаммоларни очиб бериш;

ўрганилган масалалар юзасидан тегишли хулосалар чиқариш ҳамда илмий-амалий аҳамият касб этган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1917-1924 йилларда Туркистонда совет ҳокимиятининг ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати танланган.

**Тадкикотнинг предмети**ни Туркистонда совет хокимияти томонидан амалга оширилган ҳарбий сиёсат, ташкил қилинган ҳарбий тузилмалар, уларнинг фаолиятини илмий ўрганиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тарих фанига хос бўлган тарихийлик, микротарих, тизимлилик, холислик тамойиллари ҳамда қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

## Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Туркистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида минтақанинг маърифатпарвар зиёлилари тарафидан турли сиёсий ташкилотлар қатори ҳарбий ташкилот (ҳарбий шўро) ва маҳаллий аҳоли вакилларидан кучли мусулмон қўшини тузишга бўлган саъй-ҳаракатларнинг кучайганлиги, шу мақсадда турли ташвиқот кампаниялари ("Мусулмон аскари куни" номли махсус байрам) олиб борилганлиги аниқланган;

Туркистон Мухторияти рахбарияти томонидан замонавий миллий армия ташкил этишнинг сабаблари хамда зарурияти, бу масалада хукумат аъзоларининг хорижий харбий мутахассислар (поляк, турк офицерлари) билан хамкорлик алоқалари очиб берилган;

Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ҳарбий кадрлар тайёрлашдан кўзланган мақсади (Туркистонда бошланган қуролли қаршилик ҳаракатини бартараф этиш, Буюк Британиянинг Афғонистон билан бирга Туркистондаги қаршилик ҳаракатининг таянчи бўлиб қолишига йўл қўймаслик) ва унинг оқибатлари (қуролли қаршилик ҳаракати маҳаллий ҳарбий кадрлар ёрдамида тугатилди), ерли ҳалқ вакилларидан етишиб чиққан дастлабки ҳарбий мутаҳассислар (М. Миршаропов, Ю. Наримонов, С. Худоёрҳонов, Р. Ёқубов) фаолияти кўрсатиб берилган;

Туркистонда ҳарбий мутаҳассислар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши сабаблари ҳамда такомиллаштирилиши, минтақада ташкил қилинган ҳарбий таълим масканлари (Туркистон совет командирлик курси, Туркистон Давлат университети қошидаги ҳарбий факультет, умумий ҳарбий таълим курслари) фаолиятининг тарихи очиб берилган;

Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари миллий қушини кейинроқ ташкил қилинган Ўзбекистон ССР қуролли кучларини шакллантиришда кадрлар базаси булиб хизмат қилганлиги зарурияти илмий далилланган. **Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Туркистон минтақасида совет ҳокимияти ўз манфаатлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий миллат вакилларини ҳарбий ишга сафарбар этганлиги аниқланган.

Туркистонда совет ҳокимияти томонидан ташкил қилинган ҳарбий қисмлар, улардаги маҳаллий кадрларнинг таркибий кўрсаткичлари, аҳолининг қизил армия миллий қисмларига муносабатлари манбалар, ҳужжатлар орқали аниқланди ва илмий истеъмолга киритилган.

нафақат Туркистонда, балки хорижий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олган маҳаллий ҳарбий мутахассислар номи илк бор илмий истеъмолга киритилган.

махаллий миллат вакилларидан етишиб чиққан, кейинчалик қатағонга учраган ўзбек ҳарбий кадрларининг биографияси ва фаолияти қайта тикланган.

Ўзбекистон тарихининг тадқиқот талаб муаммолари ва масалалари юзасидан таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ҳамда усулларнинг қўлланилгани, бирламчи манбаларга асослангани, кўп турдаги адабиётлардан фойдаланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Туркистонда совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган ҳарбий сиёсатнинг моҳияти, ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати тўғрисида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий ҳулосаларни амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ўрганишда, тарихий билимларни ривожлантиришда, музей экспозицияларини яратиш ва янгилаш, қуролли кучлар тарихига доир маълумотларни тайёрлаш, шунингдек, олий ва ўрта махсус таълим тизимида дарсликлар, ўкув қўлланмалар, қўшимча адабиётлар яратиш борасида давлат дастурларини бажаришда хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати (1917-1924 йй.) тадқиқоти давомида олинган илмий натижа ва амалий таклифлардан:

Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг 1917-1924 йилларда ҳарбий соҳа ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борган сиёсати, совет ҳокимиятининг маҳаллий миллат вакилларининг ҳарбий ишга жалб этилиши масаласига доир маълумотлар ЎзР ФА Тарих институтида бажарилган "Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.)" номли инновацион лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 23 июлдаги №1/1-116-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши совет ҳокимиятининг маҳаллий миллат вакилларининг ҳарбий хизматга сафарбар этиш сабаб ва оқибатлари, маҳаллий миллат вакилларидан етишиб чиқҳан ҳарбий кадрлар ҳамда уларнинг ҳарбий фаолияти тарихини холисона баҳолашга хизмат қилди.

19-ўзбек тоғ-отлиқ дивизияси фаолияти тарихи хамда уларнинг қатағон этилиши масаласига доир маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2016-2018 йилларда бажарилган Ф1-ФА-0-17354 ФА-Ф1-Г037 — "1937-1938 йилларда Ўзбекистондаги "Катта қирғин" (энциклопедия, І қисм)" амалий лойихасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2018 йил 7 ноябрдаги 222-сон далолатномаси). Илмий изланиш натижаларининг қўлланилиши Туркистонда XX аср биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, ҳарбий жараёнларда фаол қатнашган, жамиятнинг илғор зиёлилари бўлган ҳарбий кадрларнинг миллий армияни шакллантириш, давлатчиликни ривожлантириш йўлида олиб борган ишлари ва фаолиятларини илмий асосда ёритишга хизмат килган.

Туркистонда маҳаллий миллат вакилларидан ҳарбий кадрлар корпусининг шакллантирилиши, уларнинг совет ҳокимияти тарафидан турли ҳарбий ҳаракатларга сафарбар этилиши масаласига доир илмий ҳулосалар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар давлат музейининг "Ўзбекистонда миллий ҳизил армиянинг шаклланиши (1917-1940 йй.)" мавзуидаги янги экспозициясини ва мультимедиа маълумотини тайёрланишида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 16394-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг жорий ҳилиниши маҳаллий миллат вакилларидан етишиб чиҳҳан ҳарбий ҡўмондонлар, маҳаллий миллат вакилларидан ҳарбий кадрлар корпусини шакллантириш маҳсадида ташкил ҳилинган ҳарбий таълим муассасалари тарихини очиб беришга хизмат килган.

Тадкикот натижаларининг апробацияси. Тадкикот натижалари 6 та илмий конференцияда, жумладан, 2 та халкаро: "Наука и образование XXI века: теория, практика, инновация" (Ополе, Польша, 2013); "100-летие Октябрьской революции: уроки и современность" (Балакова, Россия, 2017) хамда 4 та республика илмий амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадкикот натижаларининг эълон килинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 10 та, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати хамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети белгилаб олинган; тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига

мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Туркистонда совет хокимиятининг ўрнатилиши ва харбий сиёсат масалалари" бобида Туркистон маърифатпарвар зиёлилари томонидан миллий қушин тузиш, унга маҳаллий аҳолини жалб қилиш мақсадида олиб борилган тарғибот кампаниялари, Туркистон Мухторияти қушини ва ТАССРда ҳарбий иш тарихи очиб берилган.

1917 йил 28 февралда ағдарилган подшо ҳукумати ўрнига 1917 йилнинг 2 мартида Муваққат ҳукумат тузилди<sup>18</sup>. Мазкур жараёнда турли сиёсий таш-килотлар<sup>19</sup> фаоллашиб, Туркистонда тузиладиган янги давлат тузиш масаласи бош мавзуга айланди.

Шу сабабли Туркистонда миллий қўшин ташкил этиш масаласига Туркистон Мухторияти ташкил этилмасдан анча аввал киришилди. Мусулмон аскарлари 1917 йил апрелда Тошкентдаги рус-татар мактаби биносида йиғилиб ўзларининг дастлабки ҳарбий ташкилотларини тузган бўлсалар<sup>20</sup>, худди шу йили яна Туркистон мусулмонларининг ҳарбий қўмитаси ҳам ташкил этилади.

1917 йил сентябрь ойида Туркистонда кучли мусулмон қушинлари тузиш масаласи улка мусулмонларининг ІІ қурултойида муҳокама қилиниб, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида мусулмон аскарлари учун "Мусулмон аскари куни" белгиланди ва маҳсус байрам ташкил этилди. Бу кунда мусулмон аскарлари фойдасига ионалар<sup>21</sup> тупланган ва йиғилган ионалар (маблағлар) миллий полклар ташкил этиш учун сарфланган<sup>22</sup>.

1917 йил 18-24 октябрда бўлиб ўтган Туркистон мусулмон аскарларининг съезди куйидаги икки мухим қарорни чиқарган: 1. Мусулмон роталарини айириб, алохида миллий батальон ташкил этиш; 2. Тошкентда 12 кишидан иборат бўлган Марказий Харбий Шўро тузиш<sup>23</sup>.

Қўқон шахрида 1917 йил 26-28 ноябрь кунлари бутун Туркистон ўлка мусулмонларининг фавкулодда IV қурултойида Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди²⁴. Мазкур қурултойда миллий қўшин ташкил этиш асосий масалалар қаторидан ўрин олди²⁵. Мухторият таркиби 8 кишидан иборат

<sup>&</sup>lt;sup>18</sup> 1917 йил 28 февралда Россия империясининг пойтахти Петроградда юз берган ва натижада Романовлар сулоласи ағдариб ташланган. *Қаранг*: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.21.

<sup>&</sup>lt;sup>19</sup> "Шўрои Ислом", "Шўрои Уламо", "Турк Адами Марказият ", "Турон", "Иттифоки муслимин" каби фирка ва ташкилотлар.

 $<sup>^{20}</sup>$  Аскарий ўртоқлар // Улуғ Туркистон. 1917 йил 30 апрель.

<sup>&</sup>lt;sup>21</sup> *Иона* – арабча ёрдам, кўмак. Бирор хайр учун тўланган пул. *Қаранг*: Ўзбек тилининг изохли луғати. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.222.

 $<sup>^{22}</sup>$  Биринчи муҳаррам солдати куни // Улуғ Туркистон. 1917 йил 30 август.

<sup>23</sup> Туркистондаги аскарийлар съезди // Улуғ Туркистон. 1917 йил 4 ноябрь.

 $<sup>^{24}</sup>$  Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б.51-52.

 $<sup>^{25}</sup>$  Мухтор Бакир. Туркистон мухториятининг барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон. 1917 йил, 8 декабрь.

бўлиб26, Мухториятнинг харбий вазири лавозимини мутахассислигига кўра адвокат бўлган Убайдулла Хўжаев (1882-1938)27 эгаллади. Кейинчалик уфалик агроном (баъзи манбаларда полковник дейилади<sup>28</sup>) Махди Чанишев<sup>29</sup> харбий вазир У. Хўжаев Қўқонда бўлмаган вақт маълум муддат Мухторият қушини қумондони вазифасини бажарди. Мухториятнинг таянчи булган ҳарбий қушин фаолияти "Улуғ Туркистон" газетасининг бир неча сонларида атрофлича ёритилган<sup>30</sup>.

Мухторият хукумати ўзига хайрихох бўлган харбий мутахассисларга алохида эътибор каратиб, хатто бу жараёнга бошка миллат вакиллари хам жалб этилган. Туркистон Мухторияти хукуматининг Бош вазири М. Чўқайнинг хотираларига кўра, Мухторият харбий ишларини йўлга қўйишда поляк миллатига мансуб Р.И. Зарако-Зараковский даби офицерлар ёрдам беришган. Хукумат тарғибот-ташвикоти натижасида Мухторият қўшини 2000 нафарга етказилди<sup>32</sup>. 1918 йил 19 январда қизил гвардия томонидан Оренбургнинг эгалланиши билан Туркистонга йўл очилди. Шундан сўнг 1918 йил февралда Мухторият большевиклар томонидан ағдарилди<sup>33</sup>.

Тошкентда 1918 йил 30 апрелда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (TACCP) тузилди<sup>34</sup>. РСФСР таркибида 1918 йил март ойидан республиканинг барча уезд шахарларида қизил армиянинг миллий қисмларини шакллантириш бошланди. Туркистонда харбий сиёсатни амалга ошириш учун большевиклар томонидан 1918 йил бошларида совет хокимиятининг харбий ташкилотлар, бошқармаларига Туркистон ўлкаси харбий комиссари рахбарлик қилган. Дастлаб Россия империяси давридаги Туркистон харбий

 $<sup>^{26}</sup>$  Туркистон Мухторияти ҳаҳида батафсил маълумот учун ҳаранг: Аъзамхўжаев С.С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик курилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000.; Мадьярова С.М. Туркистон Мухторияти тарихшунослиги. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш

учун дисс. – Тошкент, 2010. – 127 бет. <sup>27</sup> Убайдулла Хўжаев (тўлик исми Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли) – дастлабки ўзбек адвокатларидан бири, журналист, жадидлар харакатининг етакчиси. Февраль инкилобидан кейин Бутунроссия мусулмонлари I ва II съездларининг делегати. Советлар даврида бир неча марта камокка олинди ва сургун килинди. 1938 йилда сургунда вафот этган. Бу ҳақида қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б.18.

 <sup>&</sup>lt;sup>28</sup> Алексеенков П. Кокандская автономия. – Ташкент: Узгиз, 1931. – С.44.
 <sup>29</sup> Чанишев Махди Муҳаммадраҳимович – Муваққат ҳукумат даврида зироатчилик вазирлигининг Сирдарё вилоят ер ишлари қўмитаси вакили (1917 йил август-сентябрь). Каранг: Чокаев М. Отрывки из воспоминаний о 1917 г. Составление, предисловие, примечания кандидат исторических наук С.М.Исхакова. – Токио – Москв: 1999. - С. 48.

<sup>&</sup>lt;sup>30</sup> Туркистон Мухторияти ва туркистонликлар // Улуғ Туркистон. 1917 йил 20 декабрь.; Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон. 1917 йил 24 декабрь.

<sup>&</sup>lt;sup>31</sup> Чокаев М. Отрывки из воспоминаний о 1917 г. Составление, предисловие, примечания кандидат исторических наук С.М.Исхакова. – Токио – Москва: 1999. – С. 16. Мазкур китобнинг изохлар кисмида Мустафо Чўкай қайд этиб ўтган поляк полковники Р.И.Зарако-Зараковский эканлиги кўрсатиб ўтилган. Полковник Р.И.Зарако-Зараковский харбий инженер бўлиб, Россия империяси вактида Сирдарё вилоятида хизмат қилган. 1917 йил июлдан Туркистон ҳарбий округи қошидаги Бош поляк ҳарбий комитети вакили бўлган. Каранг: Чокаев М. Отрывки из воспоминаний о 1917 г. Составление, предисловие, примечания кандидат исторических наук С.М.Исхакова. - Токио - Москва: 1999. - С.47.

<sup>32</sup> Туркистон хукуматининг аскарлари // Улуғ Туркистон. 1918 йил 21 январь.; Миллий аскарлар // Ишчилар дунёси. 1918 йил. 1 февраль.

Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.149.

<sup>&</sup>lt;sup>34</sup> Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. – Ташкент: Шарк, 2000. – C.115.

округи штаби ҳамда ҳарбий тузилмалар сақланиб қолгани ҳолда большевиклар манфаатига хизмат қилувчи ҳарбий аппарат, тузилмалар босқичма-босқич шакллантириб борилди<sup>35</sup>.

1918 йил 14 майда Туркистон республикаси ҳарбий ишлар бўйича комиссариати ташкил этилди<sup>36</sup>. Большевиклар ҳукумати маҳаллий аҳоли вакилларини аскарликка сафарбар этиш жараёнини шошма-шошарлик билан амалга оширдилар. Биргина 1918 йилнинг ўзида маҳаллий аҳоли жалб ҳилинган 15 та ҳарбий ҳисм — ҳизил гвардиячилар дружинаси, ишчи-деҳҳон ҳизил армиясининг миллий ротаси ва Тошкент миллий батальони, биринчи алоҳида миллий батальонлар тузилди<sup>37</sup>.

1918 йил 27 майда Туркистон МИҚ "Туркистон Республикасида ишчидеҳқон қизил армияси тўғрисида Муваққат Низом"ни қабул қилди<sup>38</sup>. Туркистон Республикасида ҳарбий аппарат ва бошқармалар, Туркистон ҳарбий округи штаби, унинг тузилмалари учун ягона бошқарувни жорий этиш тўғрисида Туркистон Республикаси МИҚнинг 1918 йил 12 августда қарори эълон қилинди. Қарорга кўра, юқоридаги барча ҳарбий тузилмалар, Туркистон ҳарбий округи ва унинг муассасалари ҳам 1918 йилнинг сентябридан қайтадан ташкил этилиб, Туркистон Республикаси ҳарбий ишлар бўйича комиссариатининг бўлимига айлантирилди<sup>39</sup>.

Маҳаллий аҳолини ҳарбий ишга кенгроқ жалб қилиш мақсадида Туркистон МИҚ 1918 йил 25 сентябрда Туркистон МИҚ қошида ҳарбий аскар ёллайдиган маҳсус бўлим ташкил этиш ва унинг тузилиши, бўлимнинг 3 ойлик фаолияти учун 137025 минг рубль ажратиш тўғрисида қарор чиқарди. Қарор асосида ҳарбий аскар ёлловчи маҳсус бўлим ҳам ташкил этилди<sup>40</sup>.

Тошкентда 1918 йилнинг декабрида Усмон Бапишев рахбарлигида "Миллий армия ташкил этиш штаби" номли махсус орган таъсис этилди. Штаб 1919 йил 13 январдан 12 апрелгача қизил армия сафларига 604 кўнгиллини қабул қилиб, улардан 1-миллий отлиқ полки ташкил қилинди<sup>41</sup>.

Туркистонда совет хокимиятига қарши 1918 йилдан 1935 йилгача қаршилик ҳаракати бошланганлиги сабабли Ҳарбий Инқилобий Кенгаш (ҲИК)нинг 1919 йил 29 сентябрдаги қарори билан Туркистон республикасидаги мавжуд барча ҳарбий тузилмалар Туркистон фронти ҲИКга бўйсундирилди<sup>42</sup>.

Туркистон Халқ Комиссарлар Совети 1919 йил 24 январда "Туркистон Республикасида ҳарбий ҳизматга сафарбар этиш тўғрисида"ги Декретни ҳабул ҳилди. Декретга кўра, 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган Туркистон Республикасида доимий ва мувақҳат яшовчи ҳар бир фуҳаро аскарликка чаҳирилиши белгиланди. Аммо мафкура туфайли бойлар синфига мансуб бўлганларни фронт ортидаги ишларга жалб ҳилиш, шунингдек, чаҳирилувчининг меҳнат-

<sup>&</sup>lt;sup>35</sup> РГВА (Россия Давлат Харбий архиви), 25898-фонд, 5-рўйхат, 56-иш, 53-54-вараклар.

<sup>&</sup>lt;sup>36</sup> РГВА, 25898-фонд, 5-рўйхат, 18-иш, 6-варақ.

<sup>37</sup> Қуқонбоев А. Улуғ Октябрь ва Туркистон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1972. – Б.129.

<sup>&</sup>lt;sup>38</sup> Ў3Р МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, 97-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>39</sup> РГВА, 25898-фонд, 8-рўйхат, 55-иш, 242-243-вараклар.

<sup>&</sup>lt;sup>40</sup> ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 39-варак.

<sup>&</sup>lt;sup>41</sup> РГВА, 25859-фонд, 5-рўйхат, 1-иш, 246-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>42</sup> РГВА, 25898-фонд, 8-рўйхат, 11-иш, 323-варак.

кашлар синфига мансублигига шубҳа пайдо бўлса, бу масалани касаба уюшмаси орқали ҳал қилиниши ушбу декрет орқали белгилаб қўйилди<sup>43</sup>.

Туркистон фронти томонидан 1920 йил 7 майда Туркистон ўлкасидан 30 минг маҳаллий мусулмон аҳолини қизил қушинга қабул қилиш ту́ғрисида 228-сонли буйруқ чиқарилди<sup>44</sup>. Маҳаллий халқ вакилларини қизил армия қисмларига ҳарбий сафарбар этилиши куни 1920 йилнинг 25 июнидан бошланиши эълон қилинди<sup>45</sup>. Мазкур буйруқни Тошкент шаҳрида ижро этиш мақсадида эски шаҳар ижроия қу́митаси томонидан 5 кишидан иборат комиссия сайланди<sup>46</sup>. Маҳаллий миллат вакилларидан аскарликка қуръа, яъни чек ташлаб олинди. Диндор ва руҳонийлар аскарий хизматдан озод этилди<sup>47</sup>.

1920 йил 1 январь холатига кўра, Туркистон фронти аскарларнинг миллий таркиби сиёсий бўлим маълумотларига биноан қуйидагича бўлган: Руслар — 28349 киши ёки 77, 9 фоиз, маҳаллий миллат вакиллари — 4190 киши ёки 11,5 фоиз, бошқа миллатлар — 3839 киши ёки 10,6 фоиз  $^{48}$ .

Диссертациянинг "Туркистон АССРда совет хокимиятининг харбий кадрлар тайёрлаш сиёсати" номли иккинчи боби Туркистон минтакасида махаллий миллат вакилларидан харбий мутахассислар тайёрлаш масалаларига бағишланган. Туркистонда совет хокимияти ўрнатилмасдан аввал хам Тошкент харбий билим юрти<sup>49</sup> ва Тошкент прапоршиклар мактаби<sup>50</sup> каби харбий мактаблар ташкил этилган бўлиб, уларда асосан рус хамда европа миллатига мансуб ахоли таълим олар эди.

Туркистонда аҳолини ҳарбий хизматга янада кенг кўламда жалб этиш ва ҳарбий таълимга ўргатишда умумий ҳарбий таълим (Всевобуч)нинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Умумий ҳарбий таълим кўмагида маҳаллий миллат вакиллари ҳарбий таълимга кенг жалб этилиб, ҳаракатдаги ҳизил ҳўшинга ёрдамчи ҳарбий заҳиравий-ҳудудий ҳисмлар тармоғини вужудга келтирди. 1919 йилнинг иккинчи ярмида Умумий ҳарбий таълим Бош Бошҳармаси Туркистон Республикасида умумий ҳарбий таълимни жорий этиш лойиҳасини ишлаб чиҳди. Туркистондаги Умумий ҳарбий таълим бошҳарувига Н.А. Израилев тайинланди<sup>51</sup>.

 $<sup>^{43}</sup>$  ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 184-иш, 284-варак.

<sup>&</sup>lt;sup>44</sup> ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1038-иш, 172-варак.; Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. – Ташкент: АН РУз ССР, 1961. – С.196.

<sup>&</sup>lt;sup>45</sup> РГВА, 110-фонд, 5-рўйхат, 585-иш, 224-225-варақлар.

<sup>&</sup>lt;sup>46</sup> Аскарлик // Иштирокиюн. 1920 йил, 2 июль.

<sup>&</sup>lt;sup>47</sup> Мухаммад Мусо Туркистоний. Улуғ Туркистон фожиаси. Мадинаи Мунаввара, 1399 (1979 милодий). – Б.151.

<sup>&</sup>lt;sup>48</sup> РГВА, 110-фонд, 2-рўйхат, 661-иш, 22-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>49</sup> 1899 йил 20 июнда Туркистон ҳарбий округининг 179-сонли буйруғига асосан 2-Оренбург кадетлар корпусининг 100 ўкувчига мўлжалланган Тошкент тайёрлов мактабига асос солинди. Мактаб 1900 йилнинг 1 сентябрида очилди. Тайёрлов мактаби самарали фаолият кўрсатганлиги сабабли 1904 йилдан мустақил кадетлар корпусига айлантирилиб, 1917 йилгача фаолият юритди // ЎзР МДА, И-51-фонд, 1-рўйхат, 502-иш, 1-2-вараклар.

<sup>&</sup>lt;sup>50</sup> *Тошкент прапоршиклар тайёрлаш мактаби* 1915 йил 2 ноябрда Туркистон ҳарбий округи ҳарбий қисмларида офицерларнинг етишмаганлиги сабабли округ офицерлари таркибини ҳамда ҳарбий қисмларни малакали пиёда прапоршиклар билан таъминлаш ва тўлдириш мақсадида ташкил этилди.

<sup>&</sup>lt;sup>51</sup> ЎзР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 129-иш. 8-варақ.; Акчурин Р. Всевобуч в Туркестанской республике. В книге: Всегда начеку. – Москва: Наука, – С.31.

Туркистон республикаси МИҚ Туркистон фронти Инқилобий Ҳарбий кенгаши билан ҳамкорликда 1920 йилнинг 15 май куни М.В. Фрунзе ва Ю.И. Иброҳимов имзоси остида "Туркистон аҳолисига мажбурий ҳарбий таълим тўғрисида"ги декрет қабул қилинди. Декрет инқилобий қумита, Советлар ижроия қумиталари ва касаба уюшмаларидан Умумий ҳарбий таълимда амалий ёрдам ва ҳамкорлик курсатишни талаб қилди<sup>52</sup>. Уқишга 18 дан 40 ёшгача булганлар жалб этилди.

Туркистон Республикасида қизил қушин учун маҳаллий миллат вакилларидан ҳарбий мутаҳассислар тайёрлаш мақсадида Туркистон Республикаси ҳарбий комиссариатининг 456-сонли буйруғи асосида 1918 йил 12 июлда Тошкент шаҳрида Туркистон совет командирлик курси очилди<sup>53</sup>. Бу курснинг қумондони этиб Н.А. Веревкин-Раҳальский тайинланди. Курсда мунтазам уқув машғулотлари 1918 йил 22 сентябрдан бошланди. Курснинг номи 1919 йилда Туркистон ҳарбий инструкторлар мақтаби деб узгартирилди. 1922 йилдан у Туркистон командирлар таркибини тайёрлайдиган бирлашган мақтаб, 1943 йилдан Тошкент пиёда асқарлар билим юрти деб узгартирилди, 1958 йилдан Олий умумқушин қумондонлари билим юрти деб аталди<sup>54</sup>.

Бирлашган миллий ҳарбий мактаб (1922-1927 йй) — Тошкент шаҳрида Туркистон фронтининг 1922 йил 17 ноябрдаги 1627/656-сонли буйруғи асосида 1922 йил 20 ноябрда В.И. Ленин номидаги "Туркистон бирлашган кумондонлик (командир) таркиби мактаби" номи билан ташкил этилди. Бу мактаб В.И. Ленин номидаги "23-Тошкент пиёда қумондонлик таркиби мактаби", "3-артиллерия курси", "15-Олмаота отлиқ курси" каби ҳарбий таълим муассасалари негизида ташкил этилди<sup>55</sup>. ИҲКнинг 1922 йил 18 ноябрдаги буйруғи асосида 1924 йил 11 декабрдан мактаб В.И. Ленин номидаги "Тошкент бирлашган қумондонлик мактаби" деб қайта номланди<sup>56</sup>. Тошкент бирлашган қумондонлик мактабининг номи турли йилларда бир неча марта узгартирилди. 1923 йил 9 майдан мактаб В.И. Ленин номидаги "4-Тошкент бирлашган қумондонлик мактаби" деб аталди, ИҲКнинг 1924 йил 1265-сонли буйруғига асосан мактаб В.И. Ленин номидаги "Бирлашган Тошкент ҳарбий мактаби" номини олган<sup>57</sup> булса, 1924 йил 19 декабрдан В.И. Ленин номидаги "Бирлашган ҳарбий мактаб" дея қайта номланди<sup>58</sup>.

Кўпгина ўзбек ёшлари фақатгина Тошкентда эмас, балки Москва, Қозон, Боку шаҳарларидаги ҳарбий мактабларда таҳсил олганлар, малака оширганлар. 1924-1926 йилларда 12 нафар ўзбек ёшлари Озарбайжон ҳарбий мактаби, 5 нафари эса Каспийорти ҳарбий-тайёрлов мактаби тингловчиси сифатида ҳарбий таълим олган<sup>59</sup>.

<sup>52</sup> Туркменистан в период иностранной военной интервенции и гражданской войны 1918-1920 гг. Сборник документов. Ашхабад, 1957. – C.458.

<sup>56</sup> РГВА, 25028-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 8-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>53</sup> Тошкент олий умумқушин қумондонлик билим юрти (Қуролли Кучлар академияси)нинг 100 йиллигига бағишланади // Ватанпарвар. 2018 йил 12 июль

<sup>54</sup> Ўзбекистонда харбий иш тарихидан. – Тошкент: Шарк, 2012. – Б.194.

<sup>&</sup>lt;sup>55</sup> РГВА, 25028-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 7-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>57</sup> РГВА, 25028-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 15-варак.

<sup>&</sup>lt;sup>58</sup> РГВА, 25028-фонд, 1-рўйхат, 30-иш, 16-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>59</sup> Ў3Р МДА, Р-34-фонд, 3-рўйхат, 2252-иш, 43-варак.

"Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикаларида миллий қуролли кучларнинг ташкил этилиши" номли учинчи бобда Хоразм ҳамда Бухоро республикаларида ҳарбий кучларини шакллантириш масаласи ўрганилган.

1920 йилнинг 27-30 апрелда Хивада I Бутунхоразм қурултойи Хоразм<sup>60</sup>, 1920 йил 6-8 октябрь куни бўлиб ўтган I Бутунбухоро қурултойи эса Бухоро Халқ Совет республикалари тузилганлигини эълон қилди<sup>61</sup>. Ҳар икки республикада ҳам қизил армия миллий қисмлари ташкил этишга киришилди.

ХХСР Конституциясининг 13-моддасида "Халқ қўлинда хокимиятни таъмин учун... Хоразм шўролар жумхуриятини хориждан келган душманлардан химоя қилмоқ учун лозим бўлғон микдорда халқ яроғ чақираладур, яъни қизил аскар вужудга келтираладур"62, – дея таъкидланди. Қурултойда Полвонниёз Хожи Юсупов бошчилигидаги ХХСР Халқ Нозирлар Кенгаши сайланиб, унинг таркибида харбий масалаларни хал этиш учун Инкилобий Харбий Кенгаши ва харбий ишлар нозирлик хам тузилди. Инкилобий Харбий Кенгаш харбий муассасалар, ташкилотлар ва бошкармаларни назорат килиш, ХХСР қуролли кучларини сиёсий жихатдан тарбиялаш хамда республика мудофаасига доир масалаларни ишлаб чикиш учун ташкил этилган<sup>63</sup>. Шунингдек, барча қуролли кучлар, ҳарбий ташкилот ва бошқармалар, муассасалар ХХСР Инкилобий Харбий Кенгашининг ихтиёрида бўлган. ХХСР харбий ишлар нозирлигига эса XXCP қизил армияси хамда таъминот, харбий сафарбарлик (мобилизация) бўлими бўйсунган. Шу ўринда шуни алохида таъкидлаб ўтиш керакки, қизил армия қўмондонлиги 1920 йилда хар икки республика (БХСР ва XXCР)нинг харбий ишлар нозирлигига дастлабки вактда татар миллатига мансуб харбий кишилар тайинланган. ХХСРнинг дастлабки уч харбий ишлар нозири татар миллатига мансуб кишилар бўлиб, ХХСРнинг биринчи харбий ишлар нозири Ризо Шокиров<sup>64</sup> эди.

ХХСРда Инкилобий Харбий кенгаш ва харбий ишлар нозирлиги асосий харбий муассасалар хисобланиб, уларнинг тузилиши куйидагича бўлган: 1 — ХХСР Инкилобий Харбий кенгаши а) харбий назоратчи (инспектор); б) тезкор штаб; в) махсус бўлим; г) ташкилий ахборот бўлими; д) хўжалик бўлими; — ХХСР харбий ишлар нозирлиги а) маъмурий сафарбарлик бўлими; б) сафарбарлик бўлими; в) хўжалик бўлими; г) артиллерия бўлими; д) топография бўлими; е) ветеринария бўлими; ж); кўшин жойлашуви ва таъминоти билан шуғулланувчи бўлим; з) Хива шахри комендантлик бошкармаси; и) туркман округи<sup>65</sup>.

XXCP армиясини шакллантиришда Хоразм тараққийпарварларининг етакчиларидан бири Полвонниёз Хожи Юсуповнинг мехнати катта бўлди. У турк харбий асирлари ёрдамида харбий мактаб ташкил этди. Харбий мактаб-

 $<sup>^{60}</sup>$  Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б.121.

<sup>&</sup>lt;sup>61</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б.130.

<sup>&</sup>lt;sup>62</sup> Хоразм Шўролар Жумхуриятининг Қонуни асоси. Хива, 1920. – Б.9.

<sup>&</sup>lt;sup>63</sup> ЎзР МДА, 719-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 11-варак.

<sup>&</sup>lt;sup>64</sup> Маткаримов М. Хоразм Республикси: давлат тузилиши, нозирлари ва иктисоди. Урганч, 1993. – Б.15.

нинг рахбарлари бошкирд миллатига мансуб Ускудрли Ридвонбек (у бир муддат XXCP харбий ишлар нозири ёрдамчиси бўлган) ва Хасанбек эдилар. Бу харбий мактабда 100 нафарга якин ўзбеклар ўкиган. Аммо кейинчалик турк офицерлари четлаштирилиб, РСФСРнинг Хоразмдаги вакили Сафонов томонидан харбий мактаб ёпиб ташланди66.

П. Юсупов XXCP армиясини ўз даврининг замонавий қурол-яроғ хамда малакали харбий мутахассислар билан таъминлаш максадида Бройдо оркали РСФСР харбий комиссариатидан XXCP куролли кучлари учун 20 минг дона милтик, уч миллион патрон, 10 дона тезотар тўп, 3 минг дона бомба, 3 минг дона зобитлар киличи, 20 та пулемёт, 50 нафар мусулмон офицер ва тўпчиларни сўраб мурожаат этади<sup>67</sup>.

ХХСР МИК томонидан 1921 йил сентябрда республиканинг барча эркак ахолисини харбий хизматга сафарбар этиш тўгрисида махсус қарор қабул қилинди68. Аммо бу ҳарбий сафарбарлик кутилган натижани бермаган. ХХСР харбий ишлар нозири Волошиннинг ХХСР қуролли кучлари тўгрисида Туркистон фронтига йўллаган хисоботида "Хива хони ағдарилгандан сўнг, 1921 йилда Хивада кўнгиллилардан иборат ХХСР 1 отлик эскадрони, пиёда батальон ташкил килинди. Отлик эскадрон 3 эскадронли таркибдаги отлик полкка айлантирилди, Хивада қоровуллик хизматини ўташ учун эса қоровул ротаси шакллантирилди. 1921 йилда XXCP армиясига сафарбарлик эълон килинди, аммо у халққа (оммага) нисбатан нотўғри муносабатда бўлинганлиги оқибатида кутилган натижани бермади<sup>69</sup>. 1922 йилда ХХСРда такрорий сафарбарлик ўтказилди ва бу галги чақирув муваффақиятли якунланди. 21 ёшдан 24 ёшгача бўлганлар республика қуролли кучлари сафига сафарбар этилди. XXCP қизил армияси қисмларида кўнгиллилар сони 23 фоизни ташкил этган<sup>70</sup>. Казарма шароитининг яхши эмаслиги дезертирликка сабаб бўлмокда. Харбий командалар рус тилида берилади, ўзбек тилида хеч қандай устав ёки ўкув куроллари йўк. Хоразм Коммунистик партияси 15 хоразмлик кизил аскар учун сиёсий мактаб ташкил этди. Ушбу мактабни тугатгач улар харбий қисмларда сиёсий рахбар бўлишади. ХХСР қизил армиясининг миллий таркиби ўзбек, қирғиз, туркман ва қорақалпоқлардан ташкил топган бўлиб, улар орасида миллий душманлик ва шунга ўхшаш вокеалар умуман йўк", – дейилади ахборотда. 1920 йилнинг кузига келиб, ХХСР қизил армияси аскарларининг умумий сони 4 мингдан ошган эди<sup>72</sup>.

Хоразм Компартиясининг 1921 йил 4-11 декабрда бўлиб ўтган І съездида республика қуролли кучлари тўгрисидаги масала қайта мухокама қилиниб,

 $<sup>^{66}</sup>$  Закий Валидий Тўғон. Хотиралар // Шарқ юлдузи. 1993 йил. 7-8-сон. – Б. 172.

<sup>&</sup>lt;sup>67</sup> Полвонниёз Хожи Юсупов хотиралари (арабчадан Болта Давлетов, Бахтиёр Отажонов табдил килган). Нашрга тайёрловчи Умид Бекмухаммад // http://kh-davron.uz/kutubxona/tarix/polvonniyozhoji-vusupov-voshxivaliklar-harakati-quvonchlar-iztiroblar-fojialar

<sup>68</sup> Доклад Военного назирата ХНСР инспектору пехоты Туркфронта об очередных задачах военного управления в ХНСР. 14 июля 1921 // История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924). –

<sup>&</sup>lt;sup>69</sup> РГВА, 110-фонд, 1-рўйхат, 231-иш. 66-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>70</sup> РГВА, 110-фонд, 1-рўйхат, 231-иш. 66-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>71</sup> РГВА, 110-фонд, 1-рўйхат, 231-иш. 66 а -варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>72</sup> 50 лет Хорезмской Народной Республики. – Ташкент: АН РУз, 1972. – С. 142.

уни битта отлик полк ва ўкчи батальон билан чеклаш мумкин, деб хисоблашган. Бу амалда ўзининг миллий армиясига эга бўлишдан бош тортиш эди. Куролли кучларни шу даражадаги кам сонли қушин билан чеклаб қуйиш аслида давлат мустақиллигининг мана шу мухим рамзи тугатилганлигини билдирар эди<sup>73</sup>. II Бутунхоразм қурултойи эса ХХСР қизил армияси сонини 2 та отлик ва 1 та пиёда полки, шунингдек ёрдамчи кисмлардан иборат 5 минг киши деб белгилади74.

Дастлабки вақтларда XXCP қизил армияси кўнгиллилик асосида ташкил этилган эди. Унинг сафига ўзбек, туркман, козок ва коракалпок миллатига мансуб махаллий халқ вакиллари жалб этилди. ХХСР МИҚ томонидан 1921 йилнинг 28 сентябрида "Харбий хизматга чақириш тартиби тўгрисида" декрет қабул қилинди. Декретга кўра, ХХСРда харбий хизматга 17 ёшдан 45 ёшгача бўлган мехнатга лаёқатли эркаклар жалб қилиниши белгилаб қўйилди75. Шу тариқа мажбурий ҳарбий хизмат асосида доимий ХХСР қизил армиясига асос солинди. Хоразм Халқ Совет Республикаси қизил армияси 1923 йилнинг бахорига келиб, отлик полки ва дивизиони, 1-Полторацк полки, коровул ротаси ва харбий инструкторлар мактабидан ташкил топган эди. XXCP армиясини миллий таркиб жихатидан 60 фоизини – ўзбеклар, 30 фоизини – қирғизлар ва 10 фоизини туркманлар ташкил этган<sup>76</sup>.

БХСРда хам қизил қүшин миллий қисмлари РСФСР қизил армияси намунаси асосида ташкил этила бошланди. 1920 йилнинг охирида БХСРдаги дастлабки харбий тузилмалардан бири 1-Бухоро отлик полки ташкил этилди. Бухоро отлик полки кейинчалик ташкил топган 19-ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг асосий кадрлар базаси бўлиб хизмат қилди<sup>77</sup>.

Бухоро Халқ Совет Республикасида 1921 йил 1 февралга келиб қуйидаги харбий муассаса ва кисмлар ташкил этилди: 1) Харбий ишлар халк нозирлиги; 2) Сиёсий, харбий-мухандислик, ветеринария ва таъминот бўлими; 3) Бухоро, Чоржуй, Кармана, Қарши, Шахрисабз, Хисор ва Шеробод вилоят харбий нозирликлари; 4) Қўмондонлик таркиби учун харбий кадрлар тайёрлайдиган Бухоро харбий мактаби; 5) Қочоқлар(дезертир)га қарши кураш бўйича Марказий харбий комиссия; 6) Харбий қисмлар 1-Шарқий мусулмон ўкчи полки, 1-Бухоро отлик полки, штаб хузуридаги қўриклаш эскадрони, Бухоро ва Кармана Фавкулодда қўмитаси (ЧК) қошидаги махсус топшириклар отряди ва бошка бир неча харбий тузилмалар. БХСР кизил армияси миллий кисмлари аскарлари сони 1921 йил 1 июлга келиб 6 минг кишига етган<sup>78</sup>. БХСР Харбий Нозирлигининг 1922 йил 29 сентябрдаги 482-сонли буйруғига кўра 1-Бухоро алохида ўкчи полки ташкил этилиб, у кўнгиллилар билан тўлдирилди

<sup>74</sup> РГВА, 110-фонд, 5-рўйхат, 598-иш, 17-варак.

<sup>73</sup> Ражабов Қ. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида миллий қушиннинг аҳволи // Тарих тафаккури. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами (III китоб). – Бухоро: Бухоро, 2011. – Б.18.

<sup>75</sup> История Хорезмской Народной Советской Республики. 1920-1924. Сборник документов. – Ташкент: Фан, 1976. - C.125.

 $<sup>^{76}</sup>$  Худойбердиев О Боевая дружба, рожденная октябрем. — Москва: Наука, 1984. — С.69.  $^{77}$  РГВА, 34912-фонд, 1-рўйхат, 164-иш, 2-варақ.

<sup>&</sup>lt;sup>78</sup> РГВА, 110-фонд, 3-рўйхат, 700-иш, 14-варақ.

ва асосан европалик миллатлардан иборат эди. 1922 йил октябрда алохида коровуллик ротаси хам ташкил этилди<sup>79</sup>. 1923 йилнинг бошида республикадаги барча харбий дивизионлардан алохида отлик ва ўкчи полклари тузилди хамда Бухоро шахрига жойлаштирилди. Алохида отлик полк кўмондонлигига отлик аскарлар инспектори Крупский, ўкчи полкига Иванов тайинланди. БХСР харбий кисмларининг кўмондони вазифаси Ф. Хўжаев зиммасига юклатилди<sup>80</sup>.

БХСР ташкил этилиши билан, республика куролли кучларини шакллантиришда Биринчи жахон урушида русларга асир тушган ва Сибирдаги сургундан кочиб Туркистонга келиб колган турк офицер (субай)ларидан фойдаланилди. Масалан, турк офицери Али Ризобейга БХСР харбий ишлар нозирининг<sup>81</sup> ўринбосари вазифаси юклатилди<sup>82</sup>.

БХСР ҳарбий ишлар нозири вазифасини қисқа вақт (05.09.1920-09.11. 1920) Багаутдин Шегабутдинов бажарган, кейинчалик БХСР ҳарбий ишлар нозири лавозимида Ю.И. Иброҳимов (1920 йил ноябрь — 1921 йил март), А. Орипов (1921 март-1922 апрель) ва таниқли давлат арбоби Ф. Хўжаев (1922), Р. Боймуродов (1922-1923 йил февраль), Н.А. Веревкин (Рахальский) (1923 йил февраль-1923 йил июнь), Ф. Хўжаев (1923 йил июнь-1924) фаолият юритган<sup>83</sup>.

Бухоронинг миллий аскарий қисмларини тузиш мақсадида А. Орипов Закий Валидий билан бирга бир неча ҳарбий мутахассисларни Бухорога таклиф этди. Жумладан, Бошқирдистондан Абхази Ишмурзин, унинг ёрдамчиси Иброҳим Исҳоқов<sup>84</sup>, татар офицери полковник Ҳайбатулла Содиқов бир неча яқин офицерлари билан биргаликда Бухорога келиб ҳарбий қисмларда раҳбарлик вазифаларини эгалладилар. Қарши, Шаҳрисабз, Нурота, Ғузор, Кармана ҳарбий қисмлари уларнинг ихтиёрига берилди. Уларнинг барчаси бу ҳарбий мансабларга Абдулҳамид Орипов тарафидан тайинланган эди<sup>85</sup>.

БХСР қизил армияси ижтимоий таркиб жиҳатидан хилма хил бўлса-да, унинг асосини ўзбек миллатига мансуб ҳарбийлар ташкил этган. Бухоро Коммунистик партиясининг 1924 йил 31 августдаги ҳисоботида Бухоро қизил армиясининг ижтимоий таркибини 60 фоизи — ўзбеклар, 6,2 фоиз — тожиклар, 1,2 фоиз — қирғизлар, 8,2 фоиз — татар миллатига мансуб ҳарбийлар ташкил этган<sup>86</sup>.

\_

<sup>&</sup>lt;sup>79</sup> РГВА, 34912-фонд, 2-рўйхат, 342-иш, 12-варак.

<sup>&</sup>lt;sup>80</sup> Тоғ-отлиқ дивизияси юбилейига ўн беш йил (1921-1936) (лотин имлоси асосидаги ўзбек тилида). – Самарқанд: Тоғ-отлиқ дивизияси сиёсий шўъбаси, 1936. – Б.82.

<sup>81</sup> Бу вактда БХСРнинг харбий нозири Абдухамид Орипов эди.

<sup>&</sup>lt;sup>82</sup> Raci Cakiroz. Turkistan'da turk Subaylari (1914-1923). Turk Dunyasi Tarih Dergisi. 1987. – S.44-45.

<sup>&</sup>lt;sup>83</sup> Скоркин К. Красная Армия Туркестана. 1917-1924 // http://www.centrasia.ru/cnt2.php?

<sup>&</sup>lt;sup>84</sup> Иброхим Исхоков Карманада харбий мактаб ташкил этган ва рахбарлик қилган. Бу хақда қаранг: Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. – Тошкент: Адолат, 1997. – Б. 125.

 $<sup>^{85}</sup>$  Закий Валидий Тўғон. Хотиралар // Шарқ юлдузи. 1993 йил. 7-8-сон. – Б. 175.

<sup>&</sup>lt;sup>86</sup> ЎзР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 779-иш. 179-184-вараклар.

#### ХУЛОСА

"Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати (1917-1924 йй.)" мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси бўйича олиб борилган илмий изланишлар ва уларнинг умумий таҳлили натижасида қуйидаги ҳулосаларга келинди:

- 1. Ўрта Осиё хонликлари Россия империяси тарафидан забт этилгач, маҳаллий миллат вакиллари ҳарбий хизматга умуман жалб этилмади. Фақатгина Бухоро амири, Қуқон хонининг авлодлари, жуда оз сонли кишиларгина Россия империяси шаҳарларидаги ҳарбий мактабларда таҳсил олдилар. Ҳарбий хизматга жалб қилинмасликлари натижасида маҳаллий аҳоли вакиллари ҳарбий соҳадан узоқлашиб, ҳарбий хизматдан совиш даражасига етди.
- 2. Россия империяси давлат сифатида тугатилгач, Туркистон ўлкасининг илғор тараққийпарвар зиёлилари томонидан Туркистонда ўзларининг миллий давлатлари ва кучли мусулмон қушини тузиш масаласи мухим сиёсий масала сифатида ўлка мусулмонларининг бир неча қурултойларида мухокама этилди. Бу масала тараққийпарварларининг саъй-харакатлари билан Қуқон шахрида Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши билан амалга ошди. Мухторият ўзининг бир қатор хукумат тузилмалари қатори ўз миллий қушинини ташкил этишга муваффақ булди. Аммо мухторият қизил гвардия ва дашноқлар томонидан шафқатсизларча тугатилди.
- 3. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида маҳаллий миллат вакиллари ҳарбий хизматга шошма-шошарлик, тарғибот-ташвиқот ишлари билан жалб этилди.
- 4. Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги большевиклар томонидан давлат сифатида тугатилгач, улар ўрнида ташкил топган Хоразм ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикалари ўз миллий қўшинини ташкил этди. Ҳар икки республиканинг қўшини қизил армия андозаси асосида ташкил этилган бўлса-да, ҳукумат раҳбарлари маҳаллий аҳолининг миллий хусусиятлари, тили ҳамда яшаш шароитини инобатга олишга ҳаракат қилдилар.
- 5. Ўрта Осиёда совет тузумига қарши бошланган қуролли қаршилик ҳаракати совет ҳокимиятининг ҳарбий соҳада олиб борган сиёсатини кескин ўзгартиришга сабаб бўлди. Совет ҳокимияти томонидан маҳаллий аҳолининг урф-одати, анъаналари, тили, минтақанинг географик жойлашувини яҳши биладиган маҳаллий миллатга мансуб кишилар ҳарбий ҳизматга жалб этилди. Аввалига иҳтиёрийлик тамойили асосида ҳарбий ҳизматга сафарбар этилган маҳаллий миллат вакиллари кейинроқ мажбурийлик асосида ҳарбий ҳизматни ўташга киришдилар.
- 6. Қизил қушин сафларини маҳаллий миллатга мансуб ҳарбий мутаҳассислар билан таъминлаш мақсадида совет ҳокимияти томонидан бир неча ҳарбий мактаб ва курслар ҳамда ҳарбий таълим муассасасалари ташкил этилди. Ҳарбий мактаб ва курсларда дастлабки вақтларда европалик уҳитувчилар дарс берган. Аммо кутилган самарани бермагач, бу мактабларга ҳарбий фанлардан дарс бериш учун олий ҳарбий академия ва мактабларни тамомлаган маҳаллий миллатга мансуб уҳитувчилар жалб ҳилинди.

- 7. Маҳаллий аҳоли вакилларидан ҳарбий мутаҳассислар тайёрлашда Туркистон совет командирлик курси таянч ҳарбий таълим муассасаси бўлиб хизмат қилди. Ҳарбий мактаб ўз фаолияти давомида маҳаллий миллатга мансуб М. Миршаропов, Ю. Наримонов, Б. Ҳамроқулов каби кўплаб ҳарбий мутаҳассисларни тайёрлаб етиштирди. Ўрта Осиё ҳарбий мактабини битирган маҳаллий миллатга мансуб ҳарбий мутаҳассислар кейинчалик 19-ўзбек тоғотлиқ дивизиясида ҳарбий қўмондонлик лавозимларни эгаллашди.
- 8. Миллий-худудий чегараланиш арафасида миллий республикаларда кизил кушин таркибида миллий мунтазам кушинни кайта шакллантиришга киришилди хамда куролли кучлар масаласи совет хокимияти томонидан кайта мухокама этилди. Бу жараёнда собик ХХСР ва БХСРнинг куролли кучлари Ўзбекистон ССР куролли кучларининг асосини ташкил килди. Ҳар икки республиканинг куролли кучларисиз киска муддатда Ўзбекистон ССР миллий армиясини шакллантириб бўлмас эди.

Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати тарихини ўрганиш жараёнида мавзу билан боғлиқ қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- 1. Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсатини Марказий Осиёнинг бошқа республикалари билан ҳиёсий ўрганиш ҳарбий тарих фани тараҳҳиётида муҳим аҳамиятга эга;
- 2. Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг архив ҳамда музей фондларидаги Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти давридаги ҳарбий сиёсатига тааллуқли архив манбаларини, маълумотларни тўплаш, уларни рўйхатга олиш, таснифлаш;
- 3. Харбий соҳа, қуролли кучлар, ҳарбий тактика ва стратегия, қушин тузилиши ҳамда бошқаруви тарихига оид тадқиқотлар учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси қошида махсус булим ва илмий кенгаш очиш, шифр бериш ҳарбий соҳада олиб бориладиган тадқиқотлар куламининг янада кенгайишига асос булади;
- 4. Келгусида Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати ўтказилгандан то Иккинчи жаҳон уруши бошланишига ҳадар бўлган даврдаги ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсатини тадҳиҳ этиш ҳам ушбу мавзунинг тўлиҳ ёритилишига, янги илмий маълумотлар билан бойишига имкон яратади;
- 5. Туркистон минтақасида совет ҳокимияти даврида етишиб чиққан миллий ҳарбий кадрлар ҳақида тўпланган мавжуд маълумотлар асосида фотоальбомлар яратиш, ёзма манбаларга таяниб ўқув қўлланмалар нашр эттириш, қуролли кучлар тарихига бағишланган музей экспозицияларини янада бойитиш;
- 6. Диссертация маълумотлари ва илмий назарий хулосалари асосида олий ўкув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларига маълумот бериш орқали уларда миллий истиклол ғояси ҳамда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда фойдаланиш мумкин.

## НАУЧНЫЙ COBET DSc 06.01.2018. Tar.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

## ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

## РАДЖАПОВ ЭРКИН ГАНИЕВИЧ

## ПОЛИТИКА СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ ПО ПОДГОТОВКЕ ВОЕННЫХ КАДРОВ В ТУРКЕСТАНСКОМ РЕГИОНЕ (1917-1924 гг.)

07.00.01 – История Узбекистана

АВТОРЕФЕРАТ диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Tar29.

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.uzhistory.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	<b>Хасанов Бахтиёр Вахабович</b> доктор исторических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Раджабов Кахрамон Кенджаевич доктор исторических наук, профессор,
	<b>Расулов Абдулла Нуритдинович</b> доктор исторических наук, профессор
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана
Научного совета DSc.06.01.2018.Таг.56.01. по исторических наук (DSc) и доктора философии (Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, улица 2-этаж. Зал заседаний. Тел.: (+99871) 233-54 www.uzhistory.uz. Институт истории АН РУз).	PhD) при Институте Истории АН Республики Шахрисабзская, 5. Институт Истории АН РУз. 4-70; 233-62-01; факс: (+99871) 233-39-91; рундаментальной библиотеке Академии наук). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица 871) 262-34-41) 2019 года

#### А. С. Сагдуллаев

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор, академик

#### М. Х. Пайзиева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к. и. н.

## А. Х. Дониёров

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д. и. н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Как свидельствует из мировая история, абсолютное большинство правителей, пришедших к власти в целях обеспечения неприкосновенности границ своего государства, а также для осуществления внутренней и внешней политики опирались на военные кадры. В современном мире все государства также стремятся уделять особое внимание политике подготовки военных кадров исходя из своих геополитических интересов.

Ряд научно-исследовательских учреждений в мире проводят исследования по истории политики военных кадров по следующим направлениям: движение вооруженного сопротивления против советского режима в Средней Азии и его ликвидация частями Красной армии, раскрыть репрессии против военных кадров, участие национальных республик, находившихся в составе СССР во Второй мировой войне. Полученные в исследованиях результаты положили начало для разработки новых, современных научных выводов а также практических рекомендаций по вопросу подготовки военных кадров.

В годы независимости были созданы широкие возможности для объективной оценки истории Узбекистана советского периода, так как в оценке исторических процессов в период советской власти наблюдалось преобладание идеологического подхода. В связы с этим проблемы изучения причин и итогов формирования национальной армии в Туркестане, стремления к превращению национальных войск Туркестанской автономии в современную армию, истории организации образовательных учреждений по подготовке военных кадров, причины привлечения к военному делу представителей местного населения, изучение имеющихся недостатков в данном процессе определяют актуальность диссертационной работы.

Данное исследование в определённой мере направлено на выполнение задач, намеченных в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 54 от 25 марта 2010 года "О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Музея Вооруженных Сил Республики Узбекистан", Указе Президента Республики Узбекистан "О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах" за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан "О дополнительных мерах по совершенствованию системы постоянного повышения духовно-просветительского, культурного уровня и знаний военнослужащих, проходящих срочную военную службу в рядах Вооруженных Сил Республики Узбекистан" от 11 октября 2017 года за № 812, Законе Республики Узбекистан за № 458 от 9 января 2018 года "Об оборонной доктрине Республики Узбекистан", принятой Олий Мажлисом.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики І. "Ду-

ховно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики".

**Степень изученности проблемы.** Научные труды, опубликованные учеными по теме исследования в хронологическом отношении можно разделить на следующие два этапа:

- 1. Публикации советского периода.
- 2. Исследования, проведённые в годы независимости.

Первую группу составляют научные труды, опубликованные в советский период. Работы Н. Туракулова, Т. Рыскулова, Е. Козловского, М. Захарова, М. Рымшана, А. Валидова, К. Василевского, П. Алексеенкова, Б. Чепрунова, С.П. Тимошкова, А.К. Афанасьева, В. Сапегиной, Х.Ш. Иноятова, К.И. Малышева, Ш.А. Шамагдиева, Ю.Н. Алескерова, И.А. Зевелева, С.М. Кляцкина, М.А. Рафикова, Р.К. Акчурина, А.И. Портона, П.М. Сепкина, Р.Я. Раджаповой, А. Агапова, К. Амонжолова, В.Д. Куракина, В.Д. Рассказова, К.Ш. Зайнуллина, О. Худойбердиева являются первыми исследованиями, посвящёнными военной политике советской власти в Туркестанском регионе<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Туракулов Н. Кокандская автономия // Три года советской власти. Сборник статей. – Ташкент: 1920. – С.59-60; Туракулов Н. Кокандская автономия (социально-политическая сущность, общественные группировки и течения, вызвавшие события) // Красная летопись Туркестана. - Ташкент: 1923. №1-2. - С.83-84; Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов). Ч.1. 1917-1918. Узбекское государственное издательство. 1925; Козловский Е. За Красный Туркестан. – Ташкент: 1926; Захаров М. Национальное строительство в Красной армии. – Москва: – Ленинград: Издание военной типографии управления делами НКВД и РВС СССР, 1927; Рымшан М. Национальное формирования в буржуазных государствах и в СССР. – Москва: – Ленинград: Госиздат, 1928; Козловский Е. Красная Армия в Средней Азии. – Ташкент: Политуправление Средней Азии, 1928; Валидов А. Кизил аскар ва босмачилик. - Самарканд-Тошкент: Ўзнашр, 1928; Василевский К. Национальное строительство Красной армии // Революция и национальности. 1931. №2-3; Козловский Е.А. Ўрта Осиёда Кизил аскар. –Тошкент: Ўзнашр, 1931; Алексеенков П. Кокандская автономия. – Ташкент: Узгиз, 1931; Его же. Құқон автономияси. Тошкент: Ўзнашр, 1931; Чепрунов Б. Национальные части Красной гвардии и Красной Армии в Средней Азии. - Ташкент: Госиздат, 1933; Тимошков С.П. Борьба с английской интервенцией в Туркестане. -Москва: Воениздат, 1941; Афанасьев А.К. Зарождения национальных частей Красной Армии в Туркестане и их роль в разгроме белогвардейцев, интервентов и басмачества (1918-1920 гг.). Дисс. на соиск. учен. степен. канд. ист. наук. - Ташкент: 1953; Сапегина В. Борьба за создание советского государственного аппарата в Туркестане (февраль 1917 – апрель 1918 гг). – Ташкент: Издательство Академии наук, 1956. – 162 стр; Иноятов Х.Ш. Октябрская революция в Узбекистане. – Москва: Госполиздат, 1958; Малышев К.И. Борьба за советы в Киргизии и Туркестане. – Фрунзе: Киргизиздат, 1958; Алескеров Ю.Н. Интервенция и гражданская война в Средней Азии. - Ташкент: Госиздат, 1959; Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Ташкент: АН РУз ССР, 1961; Зевелев И.А. За Советский Туркестан. -Ташкент: Госиздат. 1963; Кляцкин С.М. Строительство Вооруженных Сил Советского государства (опыт организации постоянной регулярной армии и милиционного строительства в 1917-1920 гг.). Автореф. дисс. на. соиск. учен. степ док. ист. наук. - Москва, 1964; Рафиков М.А. Из истории организации партийно-политической работы в частях Красной Армии в Туркестане в годы иностранной военной интервенции и гражданской войны 1918-1920. Дисс. канд. ист. наук. - Самарканд, 1966; Акчурин Р.К. Всеобуч в Туркестане (1918-1923 гг.) Дисс. канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1966; Портон А.И. Коммунисты в борьбе за создание и укрепление вооруженных сил Советского Туркестана конец 1917-1919 гг. Автореф. дисс. на. соиск. учен. степ кан. ист. наук. – Ташкент, 1966; Сепкин П.М. Военно-организаторская деятельность Коммунистической партии Туркестана (1918-1920 гг). Автореф. дисс. на. соиск. учен. степ канд. ист. наук. – Ташкент, 1967; Раджапова Р.Я. Создание и работа политорганов в войсках Туркестанской республики и Туркфронта (1918-1920 гг.). Автореф. дисс. на. соиск. учен. степ канд. ист. наук. – Ташкент, 1967; Агапов А. Военная печать Туркестана в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Дисс. на. соиск. учен. степ канд. ист. наук. – Ташкент, 1967; Амонжолов К. Национальные формирования Красной Армии в Средней Азии и Казахстане (1918-1920 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1973; Куракин В.Д., Рассказов В.Д., Зайнуллин К.Ш. Краснознаменный Туркестанский. – Москва: Воениздат, 1976. – 438 стр; Худойбердиев О. Боевая дружба, рожденная октябрем. - Москва: Наука, 1984.

